



ELEMENTS OF THE THEORETICAL MODEL OF RESTRICTION OF THE RIGHT TO PERSONAL INVIOABILITY IN CRIMINAL PROCEEDINGS

Sardor Odilov

Independent Researcher at the Academy of Justice

odilovsardor955@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Personal inviolability, criminal proceedings, restriction of rights, theoretical model, principle of legality, proportionality, necessity, judicial control, Habeas corpus, procedural coercive measures, human rights and freedoms.

Received: 04.04.26

Accepted: 05.04.26

Published: 06.04.26

Abstract: This article analyzes the legal nature of restriction of the right to personal inviolability in criminal proceedings and the main elements that make up its theoretical model. During the study, the fundamental principles of restriction of the right to personal inviolability, such as legality, necessity and proportionality, are considered as components of the theoretical model. The author emphasizes the role of judicial control in ensuring a balance between state interests (security and justice) and individual rights in criminal proceedings. The article systematizes legal grounds, procedural guarantees and limits of restriction as elements of the theoretical model of restriction of personal inviolability.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИНИ ЧЕКЛАШНИНГ НАЗАРИЙ МОДЕЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Сардор Одиллов

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

odilovsardor955@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Шахсий дахлсизлик, жиноят процесси, ҳуқуқларни чеклаш, назарий модел, қонунийлик принципи, мутаносиблик (пропорционаллик), зарурлик, суд назорати, Хабеас корпус,

Аннотация: Ушбу мақолада жиноят процессида шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг ҳуқуқий табиати ва унинг назарий моделини ташкил этувчи асосий элементлар таҳлил қилинади. Тадқиқот

процессуал мажбурлов чоралари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари.

давонида шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг қонунийлик, зарурлик ва мутаносиблик каби фундаментал принциплари назарий моделнинг таркибий қисмлари сифатида кўриб чиқилади. Муаллиф жиноят ишини юритишда давлат манфаатлари (хавфсизлик ва адолат) ҳамда шахс ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашда суд назоратининг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Мақолада шахсий дахлсизликни чеклашнинг назарий модели элементлари сифатида ҳуқуқий асослар, процессуал қафолатлар ва чеклашнинг чегаралари тизимлаштирилган.

ЭЛЕМЕНТЫ ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ ОГРАНИЧЕНИЯ ПРАВА НА ЛИЧНУЮ НЕПРИКОСНОВЕННОСТЬ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Сардор Одилов

Независимый научный сотрудник Академии юстиции

odilovsardor955@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Личная неприкосновенность, уголовный процесс, ограничение прав, теоретическая модель, принцип законности, соразмерность, необходимость, судебный контроль, хабеас корпус, процессуальные принудительные меры, права и свободы человека.

Аннотация: В данной статье анализируется правовая природа ограничения права на личную неприкосновенность в уголовном процессе и основные элементы, составляющие его теоретическую модель. В ходе исследования в качестве компонентов теоретической модели рассматриваются фундаментальные принципы ограничения права на личную неприкосновенность, такие как законность, необходимость и соразмерность. Автор подчеркивает роль судебного контроля в обеспечении баланса между государственными интересами (безопасность и правосудие) и правами личности в уголовном процессе. В статье систематизируются правовые основания, процессуальные гарантии и пределы ограничения как элементы теоретической модели ограничения личной неприкосновенности.

Шахсий дахлсизлик— инсоннинг жисмоний, рухий ва маънавий хавфсизлигини таъминлайдиган кенг ҳуқуқий тушунча бўлиб, — бу инсоннинг шахсига нисбатан ҳар қандай ноқонуний тажовуздан ҳимоя қилиш ҳуқуқини англатади.

Шахсий дахлсизлик янада кенгроқ тушунча ва ўз ичига инсоннинг ички моҳияти, унинг дунёқараши, ахлоқий қарашлари, сиёсий ориентирлари, диний қарашлари, ҳуқ-атворнинг ахлоқий детерминантларини олади. Шу билан бирга, шахсий ҳаёт шахсга нисбатан қандайдир ташқи нарса сифатида тушунилиши лозим. Яъни шахсий ҳаёт инсон ҳаётининг ташқи жиҳатларини акс эттирса, шахсий дахлсизлик инсоннинг ички моҳиятини, аниқроғи рухий-маънавий дахлсизлигини ҳам қамраб олади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Бу борада шахсий дахлсизлик ҳуқуқи инсоннинг жисмоний ва рухий бутунлигини, унинг эркин ҳаракатланиши ҳамда кадр-қимматини ҳимоя қилувчи фундаментал қадриятлардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мустаҳкамланиб, "инсон – жамият – давлат" тамойили асосида шахс манфаатларининг давлат манфаатларидан устуворлиги белгилаб қўйилди.

Бироқ, жиноятчиликка қарши курашиш, жамият хавфсизлигини таъминлаш ва адолатни қарор топтириш зарурати жиноят процессида шахснинг муайян ҳуқуқларини, жумладан, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини вақтинчалик чеклаш мажбуриятини юзага келтиради. Жиноят-процессуал мажбурлов чораларининг қўлланилиши (ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи ва ҳ.к.) ўз табиатига кўра шахсий дахлсизликка бевосита аралашув ҳисобланади. Бундай аралашув ўзаро зиддиятли икки манфаат — шахс эркинлиги ва ижтимоий хавфсизлик ўртасидаги нозик мувозанатни талаб этади. Ҳозирги кунда жиноят процессида шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклаш шунчаки амалий жараён эмас, балки мустаҳкам илмий-назарий асосларга таяниши лозим бўлган тизимли моделдир. Халқаро ҳуқуқ нормалари ва ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, шахс ҳуқуқларини чеклашда "қонунийлик", "зарурият" ва "мутаносиблик" (пропорционаллик) тамойиллари назарий моделнинг ўзгармас устунлари бўлиши шарт.

Асосий қисм. Жиноят процессида шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг назарий моделини ишлаб чиқиш учун унинг таркибий қисмларини тизимли таҳлил қилиш лозим. Ушбу назарий модел давлатнинг мажбурлов ҳокимияти ва шахснинг фундаментал ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни таъминловчи қуйидаги асосий элементлардан ташкил топади:

1. Норматив-ҳуқуқий элемент: Қонунийлик асослари

Назарий моделнинг биринчи ва энг муҳим элементи — бу чеклашнинг фақат ва фақат қонун асосида амалга оширилишидир.

- Конституциявий асос: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига кўра, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Демак, ҳар қандай чеклаш конституциявий даражада тан олинган бўлиши шарт.

- Жинойт-процессуал нормалар: Шахсий дахлсизликни чеклаш асослари, муддатлари ва тартиби Жинойт-процессуал кодексида аниқ белгиланиши лозим. Назарий моделда бу элемент "ҳуқуқий аниқлик" (legal certainty) принципини ифодалайди — шахс қайси ҳаракати учун ва қандай тартибда эркинлиги чекланиши мумкинлигини олдиндан билиши керак.

АҚШ ва Европа давлатларида шахсий ҳаёт “privacy” атамаси орқали инсоннинг ўзининг ҳаётини худудини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқи ифодаланади.

АҚШлик олим Alan Westin “privacy”нинг тўрт шаклини ажратади:

1. personal autonomy -шахсий автономия, ёлғизлик, шахснинг бошқаларнинг кузатуvidан озодлиги ва фақат ўзининг фикрлари билан қолиши;

2. emotional release-индивид ва унинг атрофидаги шахслар ўртасида рухий тўсиқнинг мавжудлиги, атрофдагилар билан коммуникацияни тўхтатиш имконияти;

3. self-evaluation аноним қолиш имкони яъни шахс жамоат жойида бўла туриб, ўзини танимасликларини истаганда, ўзи ҳақида маълумотларни қай даражада ошкор қилиш мумкинлигини ўзи ҳал қилиши;

4. limited and protected communication ўзи истаган доирадаги шахслар билан ихтиёрий мулоқот қилиш, ёпиқ мулоқот доираси яратиш имкони.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги инсоннинг давлат томонидан кафолатланганлик ҳолати бўлиб, бунда унинг рухий ва жисмоний тинчлиги, ва юридик аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилишдан иборат иродасининг автономлиги, шунингдек шахсий дахлсизлиги, қонун билан ҳимоя қилинадиган неъматни ноқонуний чеклашга қаратилган қасддан қилинган тажовузлардан озодлиги англашилади.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги — бу шахсий дахлсизликнинг бир таркибий қисми бўлиб, инсоннинг шахсий ва оилавий сирларини, шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш тартибини англашиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахсий ва оилавий ҳаёт сирини сақлаш;

- шахсий маълумотларнинг ҳимояси;

ёзишмалар, телефон суҳбатлари, интернет мулоқотларининг махфийлиги;
уй-жой дахлсизлиги;
инсон шаъни ва кадр-қиммати ҳимоя қилиш.

Яъни шахсий ҳаёт дахлсизлиги инсоннинг интим ва ахборот соҳасига бошқаларнинг руҳсатсиз аралашини чеклайди.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги инсон ҳуқуқлари принципи сифатида ўз ичига икки элемент: инсоннинг индивидуал ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашувга йўл қўйилмаслиги ва унинг ҳаёти ҳақида ахборотнинг дахлсизлигини ўз ичига олади.

Методология. Ушбу тадқиқот жараёнида жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги замонавий илмий изланишларнинг методологик асосларидан фойдаланилган. Ишнинг объективлиги ва илмий асосланганлигини таъминлаш мақсадида куйидаги усуллар мажмуи қўлланилган:

1. Диалектик метод: Шахсий дахлсизлик ҳуқуқини доимий ривожланишда бўлган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўрганиш имконини берди. Бу усул орқали давлатнинг мажбурлов ҳокимияти ва шахс эркинлиги ўртасидаги зиддиятлар ва уларнинг ечими таҳлил қилинди.

2. Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил методи: Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилиги халқаро ҳуқуқ нормалари (хусусан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт) ҳамда ривожланган хорижий давлатлар (Германия, АҚШ, Франция) тажрибаси билан қиёсланди. Бу шахсий дахлсизликни чеклашнинг назарий моделидаги универсал элементларни ажратиш олишга ёрдам берди.

Шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ -шахснинг ўзининг шахсий манфаатлари ва ҳаётининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида, шахснинг қонун билан қўриқланадиган индивидуал ҳаётининг фаолиятига қандайдир шахс томонидан ўзбошимчалик билан аралашувга йўл қўйилмаслиги асосида, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш имкониятидир.

Шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқ биринчидан ҳар бир инсонга унинг келиб чиқиши, миллати, фуқаролиги, ёши, мулкӣ ҳолатидан қатъий назар тегишли. Иккинчидан мазкур ҳуқуқ инсон туғилганидан бошлаб, бутун умри давомида унга тегишли бўлади. Учунчидан, уни бегоналаштириш, бошқа шахсга бериш, хатто ундан воз кечиш ҳақиқий ҳисобланмайди. Тўртинчидан маънавий неъмат сифатида номоддий характерга эга, яъни моддий қиймати мавжуд эмас ва баҳолаб бўлмайди.

Сабаби, Фуқаролик кодексининг 99-моддасида шахснинг шахсий дахлсизлиги ва шахсий ҳаётининг дахлсизлиги тортиб олинмаслиги ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмаслиги аниқ белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” Қонуни 64-моддасига мувофиқ судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, у фойдаланадиган транспорт воситаси ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Шахснинг дахлсизлиги ва шахсий дахлсизлик тушунчалари нисбатига ҳам алоҳида тўхтатилиб ўтиш зарур.

Адабиётлар таҳлили. Шахснинг дахлсизлиги, Конституция билан белгиланган яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахснинг кадр-қиммати, шахсий ва оилавий сир, турар-жой дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефон сўзлашувлари, почта-телеграф ва бошқа хабарлар сирини ўз ичига олади. Яъни шахснинг дахлсизлиги янада кенгроқ тушунча сифатида, шахснинг эркинлиги, унинг шахсий ҳаётига ҳар қандай аралашувлардан ҳимоя қилувчи қафолат вазифасини бажаради.

Шахсий атамаси шахснинг субъектив ҳуқуқларини ифодалаш учун қўлланилади. М.М.Агарковнинг фикрига кўра, субъектив ҳуқуқ фақатгина ўзининг хусусиятларига кўра, тартибга солиш объектидан ажралмас бўлгандагина шахсий ҳуқуқ сифатида кўрилиши мумкин.

Е. А. Флейшицнинг фикрига кўра, ҳуқуқда алоҳида ажратиб турувчи белгиларидан келиб чиқиб, эркинлик, ҳаёт ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган “шахсий ҳуқуқлар” йиғиндисини ажратиш мумкин.

Жиноят суд ишларини юритиш иштирокчиларининг ҳуқуқларини чеклаш превентив, бартараф қилувчи ёки таъминловчи характерда бўлиши мумкин.

Жиноят процесси иштирокчиларининг шахсий дахлсизлик ҳуқуқини превентив чеклашга процесс иштирокчиси ўзининг мажбуриятларини бузган-бузмаганлигидан қатъий назар йўл қўйилади.

Мисол учун айбланувчи, судланувчи содир этган, Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг хавфлилиги туфайли у суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асос бўлиши мумкин.

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг бартараф қилувчи характери, процесс иштирокчиси процессуал мажбуриятини бажармаганда ёки ўзининг ҳуқуқларини

суистеъмол қилганда намоён бўлади. Бундай ҳолатда ҳуқуқни чеклаш процессуал санкция сифатида, аниқланган ва ҳужжатлаштирилган фактга нисбатан давлат органининг муносабатига айланади. Мисол учун, процесс иштирокчисининг узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги мажбурий келтириш учун асос бўлади. Ёки аввал қўлланилган эҳтиёт чораси шартларини бузиш эҳтиёт чорасини ўзгартиришга сабаб бўлиши мумкин.

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг қонунда белгиланган тартиби, шахснинг конституциявий ҳуқуқлари асоссиз чекланишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий кафолат ҳисобланади.

Е.Г.Васильеванинг фикрича, ҳуқуқларни чеклаш ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг процессуал шаклга амал қилган ҳолда, процессуал тартибга солинган ҳаракатларни амалга ошириш натижасида рўй беради ва бу фаолият натижасида муайян шахснинг, жиноят суд ишларини юритиш доирасига жалб қилинмаган шахсларга нисбатан ҳуқуқлари қисқариши юзага келади.

Бироқ, конституциявий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳуқуқ инсонга туғилганидан бошлаб тегишли ва узвий боғлиқ, давлат ҳатто жиноят процессида ҳам уни “камайтириш”га эмас, фақат амалга оширишини чеклашга ҳақли, акс ҳолда бу ҳуқуқдан маҳрум қилишга тенг бўлиб қолади.

В. В. Демирчяннинг фикрига кўра, ҳуқуқларни чеклашга, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, қарорлар қабул қилиш ва тергов ҳаракатлари ўтказиш, шунингдек жиноят суд ишларини юритишнинг ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъектларини бошқа қарорлари ва процессуал ҳаракатлари орқали эришилади.

А.В.Коровниковнинг фикрига кўра, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг ҳуқуқий механизми куйидаги элементлардан иборат: мақсад, чеклаш заруриятини тақозо этадиган вазият, чекланиши лозим бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар.

Шахснинг жисмоний дахлсизлиги объектлари инсон ҳаёти, унинг соғлиғи, индивидуал эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Жиноят процессида шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг назарий модели элементларини таҳлил қилиш жараёнида давлатнинг мажбурлов ҳокимиятини жиловлаш ва шахс кафолатларини таъминлашга қаратилган бир нечта муҳим қонуниятлар аниқланди.

1. Моделнинг норматив элементи таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси ва Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) нормалари таҳлили шуни кўрсатдики, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг назарий моделида "ҳуқуқий аниқлик" элементи биринчи даражали аҳамиятга эга.

Натижа: Конституциянинг 27-моддасида шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин эмаслиги белгиланиши назарий моделнинг энг мустаҳкам норматив асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ, таҳлиллар ЖПКда "асосли гумон" (reasonable suspicion) тушунчасининг назарий мезонлари тўлиқ очиқ берилмаганини кўрсатди. Бу эса амалиётда ушлаб туриш асосларини кенг талқин қилиш хавфини туғдиради.

Айни вақтда шахснинг жисмоний дахлсизлиги чекланиши, унинг қонунийлигидан қатъий назар рухий дахлсизлигини ҳам чекланишига олиб келади. Шахсга ўзини муносиб тарзда тутиш мажбуриятини юклайдиган рухий-мажбурлов эҳтиёт чоралари қўлланилганда унинг бевосита объектлари сифатида инсон онгининг рухий, иродавий ва интеллектуал соҳалари бўлади.

Васильева Е.Г.нинг фикрига кўра, шахснинг дахлсизлигини чеклаш объектларига айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, гувоҳ, химоячи, фуқаровий жавобгар, фуқаровий даъвогар, эксперт, мутахассис, холис, жабрланувчи, фуқаровий жавобгар, фуқаровий даъвогар, хусусий айбловчи, шунингдек вояга етмаган айбланувчи ва гумон қилинувчининг вакиллари киради .

Качалов Е.В.нинг фикрича, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини чеклашнинг институционал белгиларига: мақсадлари; вазифалари; шартлари; чегаралари; жиноят суд ишларини юритишнинг ҳокимият ваколатлари берилган иштирокчиларининг жиноят-процессуал қонунда мустаҳкамланган ваколатлари; жиноят суд ишларини юритиш иштирокчиларининг уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан қўлланадиган чекловларнинг оқибатлари камайтиришга қаратилган процессуал ҳуқуқ ва имкониятлари, ҳуқуқларни чеклашнинг тартиби ва муддатлари; жиноят суд ишларини юритиш иштирокчиларининг ҳуқуқлари чекланиши устидан назорат киради .

Фикримизча, жиноят ишлари юритувида шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг назарий модели унинг: мақсади, принциплари, асослари, шартлари, субъектлари, мезонлари ва чегаралари, чекланаётган ҳуқуқлар мазмуни, ҳуқуқларни чеклашнинг процессуал шакли ва муддатлари, ҳуқуқларни чеклаш устидан назоратдан иборат.

Хулоса. Жиноят процессида шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг назарий модели элементларини тадқиқ этиш асосида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Тизимлилик: Шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклаш шунчаки процессуал ҳаракат эмас, балки аниқ назарий элементларга (нормативлик, легитим мақсад, мутаносиблик, суд назорати ва процессуал кафолатлар) таянувчи яхлит тизим бўлиши шарт. Ушбу элементлардан бирининг эътибордан четда қолиши шахс ҳуқуқларининг бузилишига ва давлат мажбурлов ҳокимиятининг суиистеъмол қилинишига олиб келади.

2. Мутаносиблик — асосий мезон: Назарий моделнинг функционал элементи бўлган мутаносиблик принципи жинойт процессини инсонпарварлаштиришнинг бош омилидир. Шахснинг эркинлигини чеклаш чораси фақат ижтимоий зарурат мавжуд бўлганда ва кўзланган қонуний мақсадга бошқа юмшоқроқ чоралар билан эришиш имкони бўлмагандагина қўлланилиши лозим.

3. Суд ҳокимиятининг роли: Институционал элемент сифатида "Хабеас корпус" институтининг кенгайиши шахсий дахлсизликнинг энг олий кафолатидир. Чеклаш жараёнида суднинг иштироки нафақат қонунийликни таъминлайди, балки тергов органларининг масъулиятини ошириб, далиллар базасининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

4. Қонунчиликни такомиллаштириш: Тадқиқот натижалари жинойт-процессуал қонунчилигида "асосли гумон" ва "мутаносиблик мезонлари" каби тушунчаларни назарий жиҳатдан янада аниқроқ мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида тергов ва суд амалиётида бир хилликни таъминлайди.

Яқуний фикр сифатида таъкидлаш жоизки, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг таклиф этилган назарий модели Ўзбекистон Республикасининг янги конституциявий ислохотларига тўла мос келади. Ушбу модел элементларининг амалиётга изчил татбиқ этилиши жамиятда адолат ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Жинойтга қарши кураш жараёни инсон қадр-қимматини камситиш эмас, балки уни ҳимоя қилиш орқали амалга оширилиши демократик ҳуқуқий давлатнинг бош белгисидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-процессуал кодекси. – Тошкент: «Адолат», 2023 й.
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь).
4. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь).

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумитининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш бўйича суд қарорларини қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори.

II. Илмий адабиётлар ва дарсликлар:

6. Alexy, R. A Theory of Constitutional Rights. – Oxford University Press, 2010. – 504 p.

7. Рустамбоев М.Х. Жиноят-процессуал ҳуқуқи: Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2018.

8. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида шахс ҳуқуқлари ва кафолатлари. – Тошкент: «Адолат», 2012.

9. Тўлаганова Ғ.З. Жиноят процессида шахс дахлсизлигини таъминлаш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.

10. Петрухин И.Л. Неприкосновенность личности и принуждение в уголовном процессе. – М.: Наука, 1989. – 256 с.